Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

8-йил чиқиши.
7 СЕНТЯБРЬ 1973 й.
ЖУМА
№ 210 (2194).
БАҲОСИ 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

◆ Мамлакатимиз чорвачилик илғорларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

◆ 6 сентябрда Союзлар уйининг Октябрь залида Москва меҳнаткашлари вакилларининг қардош болгар халқи ҳаётидаги шонли воқеа — Болгарияда социалистик революциянинг 29 йиллигига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Абу Райҳон Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган Бутииттифоқ илмий конференцияси ўз ишини давом эттирмоқда. СССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тошкентда уюштирилган бу анжуманда кеча секцияларнинг мажлиси бўлди. Ялпи мажлисда илмий конференциянинг ишлари якунлаштирилади.

САМИМИЙ ТАШАККУР

КПСС Марказий Комитети номига совет кишиларидан ва меҳнат коллективларидан, шунингдек чет мамлакатлардаги қардош партиялардан, барча қитъалардаги давлат арбоблари ва айрим гражданлардан жуда кўп хат ва телеграммалар олинди. Ана шу дўстона мактубларда партия ва давлатимизнинг халқаро майдондаги йўлига юксак баҳо берилади, улар томонидан кўрилган ва кескинликни янада юмшатиш ҳамда умумий тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар маъқулланади. Шу билан бирга, жумладан, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти берилиши муносабати билан шахсан менинг шаънимга ҳам самимий табрик сўзлари изҳор қилинади.

Юборилган табрикномалар ва қутловлар учун КПСС Марказий Комитети номидан ва шахсан ўз номимдан самимий ташаккур ҳамда чуқур миннатдорчилик изҳор қилиб, аввало, совет ташқи сиёсатининг шак-шубҳасиз қўлга киритган муваффақиятлари бутун партиямиз фаолиятининг самараси, бутун халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати ва кураши натижаси эканлигини таъкидлаб ўтишни истайман.

Социалистик, чинакам тинчликсевар ва изчил демократик ташқи сиёсатимизнинг асосларини улуғ Ленин вужудга келтирган эди. Биз совет коммунистлари Ленин ғояларини ва у ишлаб чиққан принципларни мустаҳкам дастур деб биламиз. Бу принципларга садоқат, уларни ижодий тарзда ривожлантириш ва тадбиқ этиш ташқи сиёсий йўлимиз куч-қудратининг битмас-туганмас манбаидир.

Сиёсатимиз мақсадларининг совет халқи манфаатларига тамомила мос эканлиги ва шу боисдан совет кишиларининг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамма ишларимизни чексиз қўллаб-қувватлаётганлиги — бу куч-қудратнинг яна бир энг муҳим манбаидир. Қишки саройни қўлга олган ва улуғ Ватан уруши йилларида революция ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилган кишиларнинг унутилмас жасорати, биринчи беш йилликлар зарбдорларининг қаҳрамонона бунёдкорлик меҳнати ва ҳозирги тинч шароитда коммунизм учун олиб борилаётган кураш қаҳрамонларининг зафарлари давлатимизнинг енгилмас куч-қудратини вужудга келтирди, ташқи сиёсатимизнинг ғоят зўр обрў қозонишини таъминлади.

Халқаро сиёсатимизнинг принципларини ва амалий ишларини бошқа мамлакатлардаги тинчликсевар жамоатчилик ҳам тобора кўпроқ қўллаб-қувватлаётганлигини қайд қилиб ўтиш ёқимлидир. Ана шу тинчликсевар жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши XXIV съездимизнинг белгилаган йўли, бу съездда қабул қилинган Тинчлик программасини амалга ошириш учун қилаётган конкрет ҳаракатларимиз тўғри эканлигини исбот этувчи яна бир далил бўлиб, бу программада қўйилган мақсадларга эришилишига бўлган ишончнинг муҳим манбаидир.

КПСС Марказий Комитети номидан, Марказий Комитет Сиёсий бюроси номидан ишонтириб айтаманки, биз партия Программасида, партия съездларининг қарорларида белгиланган принципиал синфий йўлни, тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга, коммунистик жамият қуриш учун халқаро майдонда энг яхши шарт-шароитларни яратишга қаратилган ташқи сиёсий йўлни бундан буён ҳам изчиллик билан ва оғишмай амалга ошираверамиз. Биз буни ўзимизнинг совет халқи олдидаги, ҳамма мамлакатлар меҳнаткашлари олдидаги революцион бурчимиз деб биламиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари
Л. БРЕЖНЕВ.

Ўзбекистонда ягона

«Узгипроторг» институтида Ўзбекистонда ягона бўлган мороженое фабрикасини лойиҳалашга киришилди. Шу муносабат билан лойиҳа бош инженери А. Сносирев мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди.

— Янги корхона Иттифоқ миқёсида энг йирик бўлади. Ана шунга ўхшаш фабрика Харьков шаҳрида ҳам қурилади.

Янги фабрика комплекси Тошкентнинг Рисовой кўчасидаги музхоналар атрофида бунёд қилинади. Асосий корпусдан ташқари қуруқ муз ва қолипли муз цехи бўлади. Корхона ишга туширилиши билан аҳолига мороженое маҳсулотлари қуруқ муз билан сотилади. Бу ўз навбатида маҳсулотни реализация қилишда санитария талабларига мос келади. Корхонада маҳсулотлар асосан табиий газда тайёрланади. Бундай усул шаҳар ҳавосини ифлослантирмайди.

Корхонанинг босма цехида мороженое маҳсулотлари учун ҳар хил этикеткалар ва идишлар тайёрланади.

Бўлажак фабрика бир кеча-кундузда 40 тонна маҳсулот тайёрлайди.

Фабрика дастлабки маҳсулотларини 1976 йилда ишлаб чиқара бошлайди.

Ноябрга БЕШ ЙИЛЛИК: ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЙИЛ — МЕҲНАТ ВАХТАСИ

МЕҲНАТСЕВАРЛАР

Ҳал қилувчи йилни муваффақиятли якунлаш ташаббусига қўшилиб, ўзаро социалистик мусобақа асосида меҳнат қилаётган бригадамиз аъзолари кун сайин қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Июль ойи планини 150 процент қилиб бажарган бригадамиз коллективи август ойи планини ҳам «Сталмонтаж» трестининг монтаж бошқармаси бригадалари ўртасида биринчилардан бўлиб, бир ҳафта илгари адо этди.

Биз бунга иш вақтидан унумли фойдаланишимиз, бригададошларимизнинг сергайратликлари, меҳнатнинг яхши уюштирилиши туфайли эришдик.

Бригадамиз аъзоларидан Ж. Раҳматов, Ю. Очилов, А. Илларионовлар ҳам бунга мунносиб улуш қўшдилар.

Ф. Холматов бошлиқ бригадамиз аъзолари шу кунларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг редакция-нашриётлар корпуси қурилишида меҳнат қилаяпти.

Т. ШОКИРОВ,
«Сталмонтаж» трести монтаж бошқармасининг монтажчиси.

МАҲСУЛОТ КЎПАЯДИ

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган даври шаҳримизнинг Октябрь райони саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ва техникавий қудрати ривожланган йиллар бўлди. Шу вақт мобайнида бадиий буюмлар фабрикаси, «Средазэнергоцветмет» корхонаси, 3-тикув фабрикаси каби қатор ишлаб чиқариш ташкилотларига қўшимча объектлар қурилиб, улар замонавий техника воситалари билан жиҳозланди. Ана шу ҳайрли ишлар натижасида район саноатчилари сўнгги икки ярим йилдан ортиқроқ вақтда планга қўшимча 7,5 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрладилар.

Шу кунларда 3-тикув, чолғу асбоблари, бадиий буюмлар ва пардалар тўқиш фабрикаларининг янги ишлаб чиқариш корпусларини қуриш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилянти. Бу объектлар фойдаланишга топширилгач саноат моллари ишлаб чиқариш яна етти миллион сўмликка ортади.

КЎПЛАБ ЯХШИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАЙЛИК

Бугун

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлислар залида Ўзбекистон енгил саноат ходимлари республика активининг йиғилиши бўлди.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитетининг СССР Енгил саноат министрлигининг пойафзал, кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги қарорини муҳокама қилдилар ва енгил саноат корхоналарининг кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича курашни кучайтириш, маҳсулотларнинг турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича турган вазифаларни аниқлаб олдилар.

Тошкент тепловоз депосининг ремонтчилари ҳар куни ўнлаб тепловозларни техника кўригидан ўтказиб, сафарга жўнатадилар.

СУРАТДА: депонинг Виктор Внучков бошчилик қилаётган илғор ремонтчилар бригадаси аъзоларидан бир группаси — катта мастер Фарид Маматказин, слесарь Маҳкам Ҳакимов, бригада бошлиғи Виктор Внучков ва слесарь Богдор Зиётдинов ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

АДИБЛАРНИНГ ОЛИЙЖАНОБ БУРЧИ

(ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ V КОНФЕРЕНЦИЯСИ).

ОЛМАОТА, 5 сентябрь. (ТАСС мухбири). Бугун бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг бешинчи конференцияси ўз ишини давом эттирди. Икки қитъа адиблари тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда мамлакатлар ва халқларнинг иштироки ҳамда ана шу ҳаётий муҳим ишда ёзувчиларнинг роли проблемаларини муҳокама қилмоқдалар. Конференция қатнашчилари ўз ижодлари билан мўътабар мақсадга — халқаро кескинликни юмшатишга хизмат қилишга тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар.

Конференцияда Сенегал, Сурия Араб Республикаси, Жанубий Вьетнам Республикаси, Ироқ Республикаси, Чад Республикаси, Кипр Республикаси, Дагомея Республикаси, Иордания Ҳошимитлар қироллиги ёзувчилар ташкилотининг вакиллари ҳам нутқ сўзладилар. Делегатлар Олмаотадаги анжуманнинг муҳим халқаро аҳамияти тўғрисида гапирдилар, тинчлик ва тараққиёт учун курашда прогрессив ёзувчиларнинг роли кучайиб бораётганлигини таъкидладилар.

Шу куни Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари V конференциясининг қатнашчилари Ленин номли майдондаги В. И. Ленин ҳайкали ёнига келдилар. Адиблар монумент пойига гуллар қўйишди, бир дақиқа сукут сақлаб, меҳнаткашлар йўлбошчиси хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Шунингдек ВДР, ЖВР, СССР, ГДР, МХР ёзувчилари Ҳинди-Хитой халқлари билан бирдамлик митингида қатнашдилар.

— Биз сизлар билан Вьетнамнинг вакиллари билан ўчрашаётганимиздан астойдил ҳурсандмиз, — деди ёш тўқувчи Т. Мамашев. — Комбинат ёшлари Ҳинди-Хитой ярим оролидаги воқеаларни эътибор бериб кузатиб турибдилар, улар Вьетнам Демократик Республикасидаги, Жанубий Вьетнам Республикасидаги ўз тенгдошлари ва қардошларининг кураши билан бирдам эканликларини изҳор этадилар. Митингда ВДР ёзувчиси Тю Ван, Жанубий Вьетнам Республикаси ёзувчилари делегациясининг раҳбари Фан Ти, ГДРдан келган адиб Х. Шарф, монгол ёзувчиси П. Хорлоо ҳам сўзга чиқдилар. Совет шоири Е. Евтушенко Каҳрамон Вьетнам тўғрисидаги шеърларини ўқиб берди.

Геологик экспедиция

Узбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Абдуллаев номли геология ва геофизика институтида тоғ жинсларини ўрганиш ишлари қизғин давом этмоқда. Кўпгина экспедициялар турли районларда тадқиқот ишларини давом эттирмоқдалар. Уларнинг олдига қўйилган вазифа республика халқ хўжалиги учун зарур бўлган минерал хом ашёларнинг янги манбаларини топишдир.

Геология-минералогия фанлари доктори М. Зокиров ва Ленин мукофоти лауреати А. Пак бошчилигидаги экспедициялар Марказий Қизилқум сахроси ва Қорақалпоғистонда олиб борган экспедицияларидан қайтиб келдилар. Улар нураш жараёнига учраган тоғ жинслари, бўр ва палеогин гилмояларини ўргандилар. Кузатишлар натижасида бу жинсларнинг янги манбалари геологик карталарга туширилди.

Гилмоялар халқ хўжалигининг 300 дан ортиқ соҳасида ишлатилади. М. Зокировнинг тадқиқотлари Фарғона водийси сингари Қизилқум ва Қорақалпоғистонда ҳам юқори сифатли гилмояларнинг қалин қатламлари кенг тарқалганлигини кўрсатди. Яқин келгусида Қорақалпоғистонда ҳам гилмоя ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш мумкин.

Н. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ДАЛА НЕЪМАТЛАРИ

Оржоникидзе районидаги сабзавоткор хўжаликлар бу йил пойтахтнинг Куйбишев районининг аҳолисини дала неъматлари билан таъминлашда намуна кўрсатишмоқда. Шу кунгача шаҳарликларга 6374 минг тоннадан зиёд сабзавот ва полиз маҳсулотлари топширилди.

Куйбишев районидаги чакана савдо идораси деҳқонлар юборадиган маҳсулотларнинг кўп қисмини қиш мавсумига гамламоқда. Бу йил кўплаб сабзавот маҳсулотлари ва мевалар қиш учун асраб қўйилади.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» ва Киров номли хўжаликларнинг миришкорлари шаҳарликларга ҳар куни 80—100 тоннага етказиб сабзавот ва мева юборишмоқда.

Мўътабар даргоҳда

Польшадан юборилган альбом

Яқинда Польша Халқ Республикасининг Краков шаҳрида пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилди.

Бугун

Краковдаги В. И. Ленин музейидан ана шу ҳайкал ҳақидаги альбом ва эсдалик мактуби В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига келди. Альбомда доҳийнинг ҳайкали ва унинг атрофидаги жойлар, шунингдек ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими акс эттирилган. Музей директори Ежи Сэгда имзоси билан юборилган мактубда Тошкент ва Краков шаҳарлари ўртасидаги дўстлик фахр билан тилга олинади.

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР СИРИ

Кеча

Ҳамза номли санъатшунослик институтининг Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси профессор Г. А. Пугаченкова бошлиқ бир группа ходимлари Сурхондарё областига жўнаб кетишди.

Мухбиримизнинг савол-ларига экспедиция бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Турғунов шундай жавоб берди:

— Маълумки, шу областдаги Далварзинтепада ўтган йили ноёб буюмлар топилган эди. Дунёда энг қадимий ҳисобланган шахмат доналари шулар жумласидан. Экспедициямиз аъзолари ўша ерда ва областнинг бошқа районларида археологик қидирув ишларини олиб боришади. Миршоди қишлоғидан қазиб олинаётган Қизилтепа шаҳри ўз сирларини ҳали тўла очгани йўқ. Бу шаҳар эрамизнинг V—VI асрларига оид бўлиб, ахмонийлар даврига мансубдир.

Шунингдек, институтнинг бошқа бир группа ходимлари Самарқанд областининг Хатирчи районига жўнаб кетишди. Группага археолог Т. Беляева бошчилик қилмоқда. Археологлар жойларда антик даврга оид буюмларни ўрганадилар, археологик қидирув ишларини олиб борадилар.

Г. А. Пугаченкова бошлиқ группа Сурхондарё областининг районлари археологик картасини ҳам тузиб чиқади.

Уругвай ватанпарварларини ёқлаб

Оппозициячи кучларнинг ўсиб бораётган қаршилигини зўрлик билан бостиришга уринаётган Уругвайдаги диктаторлик режимининг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг қаҳр-ғазабини қўзғатмоқда.

Тошкентдаги пластмасса буюмлар заводида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари мана шу Латин Америкаси мамлакатида реакция авж олиб кетганлигига қарши кескин норозилик билдирдилар.

— Мамлакатда демократияни тиклаш учун Уругвай халқи олиб бораётган мардонавор курашни ҳар биримиз зўр ҳайрихоҳлик билан кузатиб турибмиз,— деди митингда сўзга чиққан слесарь Т. Салимов.— Бутун Латин Америкасидаги қудратли революцион ҳаракатнинг таркибий қисми бўлган бу курашга биз ҳайрихоҳлик билан ва ишончли ҳамдардлик билан қарашамиз.

Завод директори А. Б. Эйхер, инженер-конструктор Л. М. Яковлев митингда сўзга чиқиб, совет кишилари Уругвай ишчилар синфининг ва у ердаги барча тараққийпарвар кишиларнинг озодлик ҳаракати билан бирдам эканлигини айтдилар.

Митинг қатнашчилари Уругвайнинг тараққийпарвар арбобларини кўплаб қамоққа олишни тўхтатишни, у ерда демократиянинг тиклашни талаб қилдилар. Қабул қилинган резолюцияда Уругвай касаба союзларининг раҳбарларини турмалардан бўшатиш, оппозиция раҳбарларига эркинлик бериш зарурлиги айтилди.

(ЎзТАГ).

ПОЙТАХТЛИКЛАР ҲИММАТИ

Пойтахтнинг Фрунзе районидаги меҳнаткашлари ўзлари оталиқларидаги қишлоқ районидаги хўжаликларига беминнат ёрдам бериб келишмоқда. Куни кеча бир группа шаҳарлик ишчилар Сирдарё областининг «Оқ олтин» районига жўнаб кетишганди.

Яқинда райондаги бир неча лойиҳа ташкилотларининг хизматчилари Тошкент областининг Чиноз районига йўл олишди.

Бугун

шу районнинг яна бир группа ишчилари Янгиўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасининг «Халқобод» комбинатига жўнаб кетишди.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг инженерлари ва техниклари, илмий муассасаларнинг, лойиҳалаш ташкилотларида конструкторлик бюроларининг намояндалари Англиянинг «Рэнк ксерокс» фирмаси иши билан танишмоқ учун Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига келишди. Бу фирма саноатда машина-ускуналарни конструкциялаш ва лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқармоқда.

Бўлиб ўтган семинарда Англия фирмасининг намояндалари тўпланган кишиларга нусха кўчирадиган машиналар ва микрофильмлар яратиш учун машина-ускуналарнинг энг яхши типлари, ҳисоблаш техникасидаги янги машиналар ҳақида гапириб бердилар. Виставка меҳмонлари ва томошабинлари бундай алоқалар ҳар икки мамлакат мутахассислари ўртасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради,, деб ишонч билдирдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
«ХОРЕЗМСКАЯ ПРАВДА» ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАСИНИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Ҳоразм область меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар қилиш йўлидаги самарали ишлари учун «Хорезмская правда» область газетаси «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил 5 сентябрь.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

◆ ВАРШАВА. Ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгаши доирасида Польша авиасозлари кейинги ўн икки йил ичида социалистик мамлакатларга етти мингтадан кўпроқ «АН—2» самолётлари ва 1500 га яқин вертолётлар етказиб бердилар. Уларнинг ҳаммаси совет планлари асосида тайёрланган.

«ПЗЛ» бирлашмасининг корхоналари ишлаб чиқараётган махсус қишлоқ хўжалик авиацияси самолётлари чет мамлакатларда жуда таниқли бўлиб қолди. Польшада ишлаб чиқарилаётган «Фока» планерлари спортчи планерчиларга жуда манзур бўлмоқда.

Польша чет мамлакатларга моторлар ва бошқа авиация техникаси ҳам етказиб бермоқда.

◆ СОФИЯ. Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Габрово шаҳрида БХР да биринчи халқ маорифи музейини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Музей экспозицияси мамлакатдаги маориф ишлари тарихи ҳақида, ўқитувчиларнинг халқ ҳокимияти учун курашдаги иштироки ҳақида ҳикоя қилиб беради. Музейнинг катта бўлими социалистик Болгариянинг маориф соҳасида эришган ютуқларига бағишланади.

◆ БУХАРЕСТ. Руминияда сўнгги 10 йил ичида 20 дан ортиқ янгиқ мебель фабрикаси ва комбинатлари қурилди. РСР чет мамлакатларга мебель етказиб бериш ҳажми жиҳатидан ҳозир жаҳонда 6-ўринни эгаллаб турибди. Бу мебелларнинг ярмидан кўпроғи социалистик мамлакатларга юборилмоқда. Совет Иттифоқи румин мебелларини энг кўп сотиб олаётган мамлакатдир. Экспортнинг 40 процентдан кўпроғи унинг ҳиссасига тўғри келади.

Республиканинг мебель корхоналари СССР учун ҳар куни 40—50 вагон маҳсулот жўнатмоқда. Совет Иттифоқи бу йил 5 минг ётоқ гарнитури, 17 мингдан зиёд ошхона, 22 минг меҳмонхона гарнитурлари, шунингдек кўп миқдорда ошхона мебеллари ва курсиларни сотиб олади.

◆ САНТЬЯГО. Бу ерда СССР билан Чили ўртасида илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Битим илмий ходимлар ва маданият арбоблари делегацияларини бир-бирларига кўпроқ юбориб туришни кўзда тутади.

Диққат, янгилик

ЧИРОЙЛИ АВТОБУСЛАР

Шу кунларда шаҳар кўчаларида тўқ сариқ рангли чиройли автобуслар пайдо бўлди. Улар 1-автобус маршрути бўйлаб қатнамоқда. Шу муносабат билан 2519-автоколоннада мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилишди.

Янги машина Венгрия Халқ Республикасида ишлаб чиқарилаётган «Икарус» маркали автобусларнинг янги сериясиридир. Машина жуда чиройли ва чидамли. Унинг яратилишида ҳозирги замон техникасининг сўнгги ютуқларидан усталик билан фойдаланилган. Ҳозиргача 26 та машина олинди. Яна 70 та машина олинниши кутилмоқда.

СУРАТДА: Ўнгда — янги «Икарус» автобуси.

М. Нуриддинов фотоси

Сиёсий ахборотчилар ва агитаторларга ёрдам

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАРНИНГ ЯКУНЛАРИ

Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг Қримда бўлиб ўтган учрашуви — халқаро ҳаётдаги муҳим ва катта сиёсий воқеадир. Шу учрашувнинг якунлари тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун, демократия, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун кураш ишига қўшилган янги, катта ҳисса бўлди.

Агитаторларга ва сиёсий ахборотчиларга Қримдаги учрашувга бағишлаб суҳбатлар ўтказиш, унинг натижаларини чуқур ва ҳар тарафлама тушунтириш тавсия этилади.

МАВЗУ: СОЦИАЛИСТИК ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ ВА ЯКДИЛЛИГИ — ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛИ.

Шу мавзуда гапирганда икки энг асосий масалага тўхталиб ўтиш мумкин:

1. «Совуқ уруш» муносабатларидан кескинликни юмшатишга ўтиш социализм мамлакатлари қуч-қудратининг мустаҳкамланганлиги, уларнинг ўзаро келишиб тутган сиёсатининг натижасидир.

2. Вужудга келган қулай ўзгаришларни мустаҳкамлаш, бутун дунёни кескинлик юмшаган зонага айлантириш лозим.

1. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси социалистик мамлакатлар — Болгария, Венгрия, ГДР, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия коммунистик ҳамда ишчи партиялари раҳбарларининг Қримда бўлиб ўтган учрашуви якундарига юксак баҳо берди. Бу учрашув социалистик ҳамдўстлик мавқеини, қардош партияларнинг кучайиб бораётган бирлигини, ҳар тарафлама мустаҳкамлашда, социалистик давлатларнинг ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва уларнинг сиёсатини ўзаро мувофиқлаштиришда ғоят катта аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС делегациясининг фаолияти тўлатўкис маъқулланди.

Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг ўзаро мунтазам суратда маслаҳатлашиб туриши яхши традиция бўлиб қолганлигини суҳбатда таъкидлаб ўтиш зарур. Бу эса миллий ва шунингдек интернационал вазифаларни ҳал этиш йўлида қардош партияларнинг куч-ғайратини бирлаштиришнинг таъсирчан формасидир. Қримда бўлиб ўтган дўстона учрашув ҳам айни шу мақсадни кўзлаган эди.

Агитаторлардан ва сиёсий ахборотчилардан кўпинча «совуқ уруш» муносабатларидан кескинликни юмшатиш сари бурилишга нима сабаб бўлди, деб сўрайдилар. Кейинги йилларда бўлиб ўтган воқеалар бу саволга жавоб бера олади. Бунга кўп жиҳатдан СССРнинг ва бошқа қардош социализм мамлакатларининг куч-қудрати мустаҳкамланганлиги натижасида ва шу туфайли халқаро миқёсда кучлар социализм фойдасига тубдан ўзгарганлиги натижасида эришилди.

Бу социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бирлиги ва жипслигининг, улар ленинча ташқи сиёсатни ўзаро келишиб, актив равишда амалга оширганлигининг натижасидир.

КПСС XXIV съездида қабул қилинган совет тинчлик программаси, бошқа қардош партиялар съездларининг қарорлари, Варшава шартномаси ташкилоти сиёсий маслаҳат комитетининг баёноти коммунистик ва ишчи партиялар 1969 йилги халқаро кенгашининг ҳужжатлари — социалистик ҳамдўстлик давлатларининг халқаро миқёсдаги амалий ишлари учун асос бўлди. Мана шу кўп қиррали фаолият ғоят катта аҳамиятга эга бўлган конкрет самаралар бермоқда.

Нотиқлар шу фикрни кенгайтириб, СССРнинг ва бошқа қардош социализм мамлакатларининг олиб бораётган ленинча ташқи сиёсатининг қуйидаги конкрет натижаларини тилга олишлари керак: Вьетнамда урушнинг тўхтатилиши (бу эса бутун халқаро вазиятга қулай таъсир кўрсатди). ГДРнинг халқаро ҳуқуқ жиҳатдан тўла эътироф этилиши, Чехословакия билан ГФР ўртасида муносабатларнинг нормаллашуви, Кубанинг халқаро миқёсдаги мавқеи мустаҳкамланиши. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ГФРга, АҚШга ва Францияга қилган визитларининг катта ижобий натижалари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгашнинг муваффақиятли бошланиши.

Шу муваффақиятлар орасида ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШга қилган визити алоҳида ўрин эгаллайди. Бу визит катта принципиал аҳамиятга эга бўлиб, «совуқ уруш» муносабатлари давридан кескинликни юмшатиш даврига тубдан бурилиш йўлида қўйилган катта қадамдир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев АҚШда бўлган чоғида имзоланган ҳужжатларнинг аҳамиятини тушунтирганда, бу ҳужжатлар ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча принципларига асосланган самарали совет ташқи сиёсатининг натижаси эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Тузилган битимлар ва шартномалар мана шу тинч-тотув яшаш принципига конкрет мазмун бағишлайди. СССР билан АҚШ ўртасида узоқ муддат мобайнида мустаҳкам негизда ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун имкониятлар яратиб беради. Шу билан бирга бу ҳужжатлар умуман халқаро вазиятни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Планетамизда сиёсий муҳитнинг анча яхшиланганлиги кескин ва оғир кураш натижасидир. Бу курашда қардош социалистик мамлакатлари, жаҳондаги барча демократик ва прогрессив кучлар устун чиқди.

2. Халқаро вазиятдаги ижобий ўзгаришлар социализм билан капитализм ўзаро келишди, тинчликни сақлаб қолиш учун автоматик гарантия вужудга келди, деган фикрни сира ҳам билдирмайди. Мустаҳкам тинчлик учун курашни давом эттирмоқ, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамламоқ ва ривожлантирмоқ керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Киевда, Украина ССРга Халқлар дўстлиги ордени топшириш бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Икки системанинг жаҳон майдонидаги мусобақаси муҳолифлиги давом этмоқда. Ҳамма гап фақат шундан иборатки, бу жараён давлатлар ўртасида ҳарбий тўқнашувларга ва урушларга айланиб кетмасин, улар ўртасидаги муносабатларда куч ишлатишга ва куч ишлатиш билан дўқ қилишга йўл қўймасин ва турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳалақит бермасин».

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, социалистик давлатларнинг ташқи сиёсати принципиал синфий сиёсат бўлиб, тинч-тотув яшаш — синфий курашнинг бир формасидир. Бу сиёсатнинг вазифаси мамлакатимизда коммунизм қуриш учун қулай шарт-шароит вужудга келтиришдан, қардош социализм мамлакатларини мувофиқлаштириш ривожлантириш учун, халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракатига, барча антиимпериалистик фронтга кўмаклашиш учун қулай шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Қримдаги учрашув социалистик мамлакатлар кескинлик юмшаган зонани кенгайтириш учун, бутун дунёни шундай тинч зонага айлантириш учун изчиллик билан кураша жиҳатидан ғоятларини кўрсатди. Умумевропа кенгаши ишининг муваффақиятли тугалланиши сиёсий кескинликни камайтириш билан бирга ҳарбий кескинликни ҳам камайтириш, империалистик агрессия вужудга келтирган можароларни дарҳол бартараф этиш — бунга ёрдам берган бўлур эди. Шу йил октябрь ойида Москвада тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси ўтказилиши антиимпериалистик кучлар бирлигини мустаҳкамлашга, тинчликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшади.

Социализм мамлакатлари рўёбга чиқариш учун курашаётган энг муҳим вазифалар орасида қуйидаги вазифаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак:

Ҳинди-Хитой халқларига ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имконитини бериш, бутун Ҳинди-Хитойда адолатли тинчлик ўрнатиш;

Ялпи тинчлик учун мураккаб ва хатарли бўлиб қолаётган Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш;

Суҳбат чоғида шуни уқтириб ўтиш керакки, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Қримдаги учрашувнинг якунларига юксак баҳо бериб, мазкур учрашувда социалистик давлатлар ўртасида ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришга, социализм ишларида тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида халқаро миқёсдаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришга қатъий аҳд қилганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтди.

МАВЗУ: ҲАР ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК — СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТЛАРНИ ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШУВ ЙЎЛИДИР.

Суҳбатни қуйидаги план асосида олиб борши мумкин:

1. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисида.

2. Идеология ва сиёсий тарбиявий ишларни янада мустаҳкамроқ мувофиқлаштириш тўғрисида.

1. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида гапирганда Қрим учрашувининг иштирокчилари бу соҳада анчагина муваффақиятларга эришилганлигини уқтириб ўтганликларини таъкидлаш тавсия этилади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида товар эбороти барқарор тус олмоқда. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаш ҳамда йирик халқ хўжалиги проблемаларини биргалашиб ҳал қилишга имкон берадиган бошқа ҳамкорлик формалари ривожланмоқда.

Бу хулосани кўрсатиб ўтиш учун қуйидаги маълумотлардан фойдаланиш мумкин:

Социалистик мамлакатларда кейинги 22 йил мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми қариб саккиз баравар кўпайди. Эндиликда жаҳон саноат ишлаб чиқаришида уларнинг салмоғи тахминан учдан бир қисмига тўғри келади. Ҳолбуки, 1950 йилда саноат ишлаб чиқаришининг салмоғи бутун дунёда саноат ишлаб чиқаришининг бешдан бир қисмига тенг эди;

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари электрон-ҳисоблаш техникаси соҳасида муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқдалар. Халқ хўжалигининг хилма-хил вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланган ЭВИ (электрон ҳисоблаш машиналари) яратилди ва жорий этилмоқда.

1964 йилда «Дружба» нефть қувури биргаликда қурилди. Ҳозир Совет Иттифоқидан нефть қувури орқали қардош мамлакатларга юборилмоқда. Энди нефть қувурининг иккинчи линияси қурилмоқда. Бу эса нефть юборишни икки баравардан знёд оширишга имкон беради.

Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси ва СССР биргаликда бизнинг мамлакатимиз территориясида (Усть-Илим районида) 500 минг тонна қувватга эга бўлган катта целлюлоза комбинати қуриш тўғрисида бош битим тузилди.

Нотиқлар ўз суҳбатларида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган XXVII сессияси материалларидан фойдаланишлари керак. Бу сессия социалистик интеграциялар комплекс программасини амалга ошириш масалаларини ҳар тарафлама муҳокама қилди ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг янада кенг ҳамкорлигининг конкрет йўлларини белгиладилар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳамкорлиги кенгайганлигини кўрсатувчи ҳариталар, диаграммалар, схемалар, агитаторлар ҳамда сиёсий ахборотчилар учун яхши ёрдамчидир.

Агарда суҳбат қардош мамлакатлар меҳнаткашлар коллективлари билан бевосита алоқада бўлган корхоналарда ўтказилса, маҳаллий материалларидан фойдаланиш мақбулдир.

Социализм мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлиги социализм ва коммунизмни муваффақиятли қуриш учун, шу мамлакатлар халқларининг фаровонлигини ва маданиятини тинмай юксалтириш учун катта аҳамиятга эгадир. Агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар шуни таъкидлаб ўтиб, Қрим учрашувининг иштирокчилари социалистик иқтисодий интеграциялаш комплекс программаси қандай бажарилганлигини ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаганликларини уқтириб ўтиши керак. Бу масалалар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар — коммунистик ва ишчи партияларининг диққат марказида турипти, деб таъкидланди.

Социалистик иқтисодий интеграциялаш йўлидан дадиллик, ғайрат билан тез олга бориш керак, Қрим учрашувининг иштирокчилари мана шундай хулосага келдилар.

2. Социалистик мамлакатлар идеология ва сиёсий тарбиявий ишлар соҳасидаги куч-ғайратларни янада тўлароқ мувофиқлаштиришга интилдилар. Ҳамкорликнинг шу жиҳати тўғрисида гапирганда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш керак. Бундай координациялаш, биринчидан, ҳозирги вақтда бутун дунёда маркса-ленинча фикр ҳазинасига социалистик қурилиш тажрибаси, социалистик воқеликка интилиш ғоят кучаётганлиги учун ҳам зарур вазифадир. Муваффақиятларимиз тўғрисида, социалистик турмуш тарзининг соғлом ҳаётбахш моҳияти тўғрисида ҳаққоний гапларни кенг ёйиш учун имконият очиб бормоқда.

Иккинчидан, бу соҳада социализм мамлакатларининг куч-ғайратини тўлароқ мувофиқлаштириш антикоммунизм идеологлари ҳали таслим бўлмаганлиги учун ҳам айниқса зарур бўлиб қолди. Антикоммунизм идеологлари янги вазиятга мослашишга уринмоқдалар ва юзаки қараганда душманчилик руҳида ўлмаса ҳам аммо моҳияти билан қўпорувчиликдан иборат пропагандани кучайтирмоқдалар.

Масалан, НАТОга аъзо бўлган давлатлар махсус хизматларининг СССРга қарши ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик фаолияти давом эттирилаётганлигини кўрсатиб ўтиши мумкин. Шу мақсадда сионистик, миллатчилик ва бошқа реакция ташкилотларда, «Озод Европа» ва «Озодлик» радиостанциялари сингари идеологик қўпорувчилик марказларидан фойдаланмоқда.

Суҳбат чоғида Пекин раҳбарларининг қилаётган - бузғунчилик ишларига тўхталиб ўтиш керак. Совет Иттифоқи ва бошқа қардош мамлакатлар тинчликни мустаҳкамлаш ва социализмнинг халқаро позициясини кучайтириш манфаатлари йўлида ўзаро келишиб ва ғайрат билан ҳаракат қилаётган бир пайтда маочиларнинг социалистик давлатларга қарши қаратилган сиёсати айниқса бебурд мудҳиш сиёсатдир.

Тингловчиларга шуни тушунтириб бериш керакки, ХХРнинг халқаро миқёсдаги ҳаракатлари кучайган сари Пекин сиёсатининг моҳияти, унинг мақсадлари ўзгарган эмас, балки бу сиёсатнинг форма ва методлари айниқса хатарли бўлиб қолди. Эндиликда Пекин раҳбарлари ҳамма соҳада социалистик дунёга душман куч бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Улар тобора империализм энг реакцион кучларининг тўғридан-тўғри иттифоқчиларига айланмоқдалар.

Жумладан, Пекин «Умумий бозор»га қўшилган мамлакатлар ва НАТО мамлакатлари билан антисовет асосда тил бириктирмоқчи бўлганлигини, Хитой вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қўпинча фашистлар Португалияси ва Жанубий Африка ирқчилари билан бир ёқадан бош чиқараётганликларини айтиб ўтиш керак. Хитой раҳбарлари Совет Иттифоқига, бошқа қардош мамлакатларга бўхтон қилишга, улар ўртасига нифоқ солишга уринмоқдалар. Пекин сиёсатчилари ва пропагандистлари гўё тил бириктирган «иккита буюк давлат» деган сохта назарияни қунт билан тарқатишга ва ўз иродаларини бошқа барча мамлакатларга мажбуран қабул қилдиришга уринмоқдалар. Пекиннинг бундай сиёсати унинг халқаро сиёсатда синфий принциплардан тамомила воз кечганлигини, марксизм-ленинизм билан алоқасини тамоман узиб қўйганлигини билдиради.

Шу ва бошқа кўпгина фактлар Хитой раҳбарлари ўз қўпорувчилик ишларининг тигини СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қаратганликларидан далолат бермоқда. Бу иш жаҳон социализмининг ва миллий озодлик ҳаракатининг манфаатларига хилоф, душманчиликдан иборатдир.

СССР билан ХХР ўртасида гап фақат «миллий» ихтилофлар тўғрисида бораяпти, деб даъво қилиш Пекин раҳбарларининг қўллаётган усулларидан биридир. Ҳақиқатда эса маочилар социал шовинизм позициясидан туриб марксизм-ленинизм принципларига қарши актив кураш олиб бормоқдалар.

Агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар ўз тингловчиларига давлатимизнинг тутган қуйидаги равшан йўлини тушунтириб беришлари керак: Совет Иттифоқи ХХР билан жиддий тарзда конструктив музокаралар олиб боришга илгариндек тайёр турибди. Аммо бунинг учун Хитой раҳбарлари суверенитети ўзаро ҳурматлаш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларига риоя қилишлари керак ,социализм мамлакатларига қарши олиб бораётган душманчилик ишларини тўхтатишлари керак. КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил Апрель пленуми партиямизнинг Хитой билан муносабатлар тўғрисида КПСС XXIV съезди белгилаган йўлга бундан буён ҳам амал қилишга қатъий қарор берганлигини таъкидлади.

Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини ривожлантириш учун марксизм-ленинизм ҳамда пролетар интернационализми асосида коммунистик ва ишчи партияларни жипслаштириш учун кейинги йилларда кўп иш қилинди. Аммо бир томондан империалистлар, иккинчи томондан маочилар халқаро коммунистик ҳаракат сафларини бузиш, бир Компартияни иккинчи бир Компартияга қарши қўйиш йўлидаги уринишларини давом эттирмоқдалар. Шунинг учун ҳам реакция кирдикорларига кескин зарба бериш, антикоммунизмни ва ҳар хил кўринишдаги оппортунизмни фош қилиш жаҳон коммунистларининг барча антиимпериалистик кучларнинг кўп миллионли сафи бирлигини ҳамма чоралар билан мустаҳкамлаш марксчи-ленинчи партияларнинг вазифасидир.

Суҳбатда бизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги муваффақиятларимиз совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг КПСС XXIV съезди белгилаб берган кенг программасини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яна бир марта уқтириб ўтиш жуда муҳим вазифадир. Ташқи дунёга нисбатан кучайиб бораётган таъсиримиз меҳнаткашларнинг муваффақиятларга суянишини далиллар билан кўрсатиб бериш керак.

Адабиётлар:

Л. И. БРЕЖНЕВ. СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXIV СЪЕЗДИГА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ. 3.38. саҳифалар.

ПАРТИЯ XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА.

КПСС Марказий Комитети пленумининг 1973 йил 27 апрелдаги қарори. Газеталарнинг 1973 йил 28 апрель сонида эълон қилинган.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА. «Совет Ўзбекистони», 1973 йил 4 август.

Л. И. БРЕЖНЕВ, УКРАИНА ССРГА ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ОРДЕНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. «Совет Ўзбекистони»нинг 1973 йил 27 июль сони.

Л. И. БРЕЖНЕВ. ҚОЗОҒИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ОРДЕНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. «Совет Ўзбекистони», 1973 йил 16 август.

К. Ф. КАТУШЕВ. «БОШ ЙЎЛ». «Проблемы мира и социализма» журнали 1973 йил 8-сон.

И. АЛЕКСАНДРОВ. «ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА». «Правда» газетасининг 1973 йил 7 август сони.

«СОЦИАЛИЗМ ВА ТИНЧЛИК БИР-БИРИДАН АЖРАЛМАСДИР». «Правда» газетаси, 1973 йил 2 август сони.

ҚАРДОШЛАРЧА БИРЛИК. «Правда» газетаси 1973 йил 6 август сони.

КПСС Марказий Комитетининг «Агитатор» журнали 1973 йил 17-сон.

Ёш коммунист Муборак Исмоилова фабрикаси попоп цехининг моҳир ишчиларидан бири. Корхонада 8 йилдан бери баракали меҳнат қилиб, дорпеч, чойшаб каби бадиий ва ҳаётбахш ишлаб чиқариш новатори шу кунларда меҳнат қилаяпти.

СУРАТДА: М. Исмоилова.

М. Нуриддинов фотоси.

Партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари

ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА

Тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикаси оқартириш цехида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Цех бошланғич партия ташкилотининг секретари Р. Қаюмов ҳисобот доклади қилди.

— Биз,— деди нотиқ, — ҳисобот сайлов йиғилишини ажойиб бир пайтда — серқуёш республикамизнинг ярим асрлик юбилейи шарафига зарбдор меҳнат вахтаси бошланган кезларда ўтказяпмиз. Оқартириш цехининг коллективи комбинатимизнинг барча меҳнаткашлари қаторида КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Коллективимиз аъзоларининг бутун диққат-эътибори ва куч-ғайрати беш йиллигининг ҳал қилувчи учинчи йили топшириғини муваффақиятли бажаришга қаратилган. Цехда социалистик мусобақа кун сайин оммавий тус олмоқда.

Цех ишчилари зиммадаги социалистик мажбуриятларни тўла-тўкис бажариш учун барча ички имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Маълумки, оқартириш цехи фабриканинг энг муҳим участкаларидан ҳисобланади. Бу ерда турли технологик процесслар амалга оширилади.

Ҳисобот даврида коллективимиз қувончли ютуқларни қўлга киритди. Агар биз 1972 йилнинг иккинчи ярмида давлат планини бажаролмай, доғда қолган бўлсак, бу йил биринчи ярим йиллик топшириғини муваффақиятли адо этдик.

Янги-янги механизмлар ишга туширилди. Бу машиналарда ип-газламани оқартиришда меҳнат унумдорлиги анча юқоридир. Лекин бу машиналардан фойдаланиш талабга жавоб бермайди. Слесарь ва технологларнинг масъулиятсизлиги натижасида улар кўпинча тўхтаб қолади. Цехда ўзаро ёрдам масаласи ҳам ёмон. Цех бошланғич партия ташкилоти ташаббус кўрсатиб ишлаётир. Коллективда кўплаб ютуқлар қатори камчиликлар ҳам топилади. Шуниси ачинарлики, эҳтиёт қисмларга мутлақо эътибор берилмайди.

Цех бошланғич партия ташкилоти ҳисобот давларида мажлисларни вақтида ўтказиб турди. Уларда ишлаб чиқариш юзасидан қарорлар қабул қилинди. Лекин кўпгина қарорлар адо этилмади.

Хом ашёлардан тежаб-тергаб фойдаланишга ҳам етарли эътибор берилмади. Метряж лахтак чиқиши кўпайиб кетди.

Партия ташкилоти меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, лахтак чиқишини камайтириш ва бошқа нуқсонларни бартараф этишнинг чоратадбирларини кўрмоғи лозим.

Ҳисобот доклади юзасидан бўлган музокаларда Л. Барзова, Р. Аҳмедов, Л. Климентьева, А. Козина, В. Емелин ва бошқа ўртоқлар сўз чиқиб, юксак унумдорликка эришиш, янги техникадан унумли фойдаланиш, эҳтиёт қисмларга яхши муносабатда бўлиш ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Коммунистлар цех бошланғич партия ташкилоти ишини қониқарли деб топишди. Партия ташкилотининг янги состави сайланди. Р. Қаюмов партия ташкилоти секретарлигига қайта сайланди.

Б. САЙДАЛИЕВ.

Редакцияга хат

НЕГА ВАҚТИДА ОЛИБ КЕЛИШМАЙДИ?

Ҳурматли редакция. Биз ҳар йили республика ва шаҳар газета-журналларига ёзиламиз. Мамлакатимизда ва ташқи дунёда бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиш ниятида газета саҳифаларида берилаётган материалларни қизиқиб ўқиймиз. Лекин яқиндан бери 19-алоқа бўлимининг айби билан газеталарни икки уч кунлигини бир кунда ташлаб кетадиган одат чиқаришди. Почта бошлиғи Абдужаббор Абдукаримов ҳузурида бўлиб хат ташувчи Рашид Пузаткиннинг газеталари вақтида олиб келмаётганлигидан шикоят қилдик. Бу шикоятдан сўнг бир ҳафтагина газеталарни ўз вақтида олдиг-у яна эски ҳаммом эски тослигича қолди.

Шаҳар почтамти раҳбарлиги 19-алоқа бўлимидаги бу тартибсизликка қачон барҳам беришларкин?

Р. Турсунхўжаев,
А. Тўхтахўжаев,
С. Зайниддинов,
Т. Тожихонов,
Р. Қорахўжаев,
«Дмитров» маҳалласидаги қариялар.

Ўзтаг хабарлари

ШОФИРКОН ПЕШҚАДАМЛАРИ

ШОФИРКОН (Бухоро области). Шофиркон районидаги—Карл Маркс номли колхознинг Шоҳназар Шомуродов бошлиқ илғор комплекс механизациялашган бригадаси пахта тайёрлаш йиллик планини бажариб, маррага етди. Даладан гектар бошига 25 центнердан ҳосил териб олинди. Унинг ярмидан кўпроғи машинада терилди. Механик-ҳайдовчи Фозил Иброҳимов машина бункеридан 80 тонна «оқ олтин» ағдарди.

Ш. Шомуродов бригадаси механизаторларнинг Бутуниттифоқ мусобақасига қўшилиб, гектар бошига яна 15 центнер пахта териб олишга қарор берди.

ДАЛА МЕҲНАТЧИЛАРИ УЧУН

НАМАНГАН. Наманган медикларининг катта хўжалигида кўчма стоматология кабинетлари пайдо бўлди. Зарур асбоб-ускуна, инструмент ва дори-дармонлар билан таъминланган икки автобус областдаги олис колхозларнинг далаларига мунтазам қатнаб турибди. Бу кўчма шифохонага тажрибали врач бириктирилган. У пахтакорларга малакали ёрдам кўрсатмоқда.

МУСОБАҚА РОЛИВЛАРИ

НАМАНГАН. Намангандаги «Облколхозстрой» тресті ташкил этган қишлоқ бинокорлари конкурси якунланди. Бу мусобақада 70 дан ортиқ ишт терувчилар ва шувоқчилар қатнашиб, Поп районидаги Ленин номли колхозда механикалашган ферма қурилишида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Наманган қурилиш-монтаж бошқармасидан ишт терувчи У. Хайдаров ва Косонсойдаги 24 кўчма механикалашган колонна шувоқчиси Н. Турсунбоев норма топшириқларини икки-уч баравар ошириб бажариб, мусобақада биринчиликни олдилар.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДАН ХАБАРЛАР

РСФСР:

МАРТЕН ЦЕХЛАРИ УЧУН ЯНГИЛИК

В. И. Ленин номидаги Нижний Тагил комбинатининг металлурглари узлуксиз пўлат қуядиган илон изи типидаги мамлакатда биринчи қурилмани реконструкция қилиб, лойиҳадаги қувват даражасига етказдилар. Ҳар кечакундузда пўлат эритувчилар машинада олтита қуймани қуймоқдалар.

Одатдаги тик қурилмага нисбатан бу қурилманинг афзаллиги шундан иборатки, уни ишлаб турган ҳар қандай цехда монтаж қилиш мумкин. Аммо бунинг учун мураккаб қурилиш иншоотлари талаб қилинмайди.

Янги машина қудратли мартен печларида ишлатила бошлайдиган бундан ҳам каттароқ саноат қурилмаларининг қалдирғочи бўлиб қолади. Унинг реконструкция қилиш лойиҳасини Уралмаш заводи мутахассислари комбинат инженерлари билан бирга ишлаб чиқишди. Комбинатнинг энг асосий узелдари такомиллаштирилди. Машиналарнинг пишиқ-пухталиги оширилди. Қуймаларнинг сифати анча яхшиланди. Машина аввалгисидан тезроқ ишламоқда.

Нижний Тагил.
(ТАСС мухбири).

Молдавия:

ВЕРА ОДОБЕСКУГА ЭРГАШИБ

Кишиневдаги «Зориле» пойафзал бирлашмасининг энг яхши бичиқчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. С. Одобеску беш йиллик ошлангандан бери тежаб қолган чармдан ўн минг жуфт пойафзал тикиш мумкин. У бир жуфт заготовкани қирқишга нормадаги 4 минут ўрнига атиги 1—1,5 минут сарф қиладиган биронта ортиқча ҳаракатга ва бирон секунд бўш туришга йўл қўймаган, деярли чиқит чиқармайди.

Пойафзалчилар коммунистик меҳнат мактабларида В. С. Одобеску тажрибасини ўрганмоқдалар. Бичиқчилик цехининг коллективи илғор ходимага тенглашиб, бу йил ойлик планларни 130—135 процент бажармоқда, йил бошидан бери уч миллион квадрат дециметрни тежаб қолди, бу танавордан бирлашмада планга қўшимча равишда 150 минг жуфт пойафзал тайёрланди.

Кишинев.
(ТАСС мухбири).

Қирғизистон:

С. НЎҒАЕВА НОМЛИ МУКОФОТ

Қирғизистоннинг Ўш областида пахта терими арафасида Саодат Нўғаева номли мукофот таъсис этилди. Бу фахрли мукофот беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида энг кўп пахта терган механик-ҳайдовчига берилади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Нўғаева бундан 30 йил аввал республика хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб пахта терим машинасининг штурвалини тутган эди. Ў қирғиз қизларининг қишлоқ хўжалик техникасини эгаллаш учун бошлаган ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббусчиси бўлди. С. Нўғаева Ленин районидаги Раҳмонжон номли колхоз пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилмоқда ва ҳар йили гектар бошига 40 центнердан пахта бермоқда.

(ТАСС мухбири).

ЧИНИҚИШ—СОҒЛИҚ МЕЗОНИ

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Редакциямизга келаётган кўпгина мактубларда газетхонлар организмни чиниқтириш йўллари ва унинг фазилати ҳақида ҳикоя қилишимизни сўраганлар. Шу муносабат билан мухбирларимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор Рауф Абдуллаевга учрашиб, организмни чиниқтиришнинг хосиятлари ҳақида суҳбатлашди. Қуйида шу суҳбатнинг қисқача мазмуни билан таништирамиз.

САВОЛ — ОРГАНИЗМНИ ЧИНИҚТИРИШ МАСАЛАСИ КЕЧАДАН БЕРИ ОДАМЛАРНИ ҚИЗИҚТИРИБ КЕЛАДИ. БУ БОРАДА ИЛК ДАФЪА ШУҒУЛЛАНГАН ЎТМИШ МЕДИКЛАРИНИНГ ФИКРИ ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

— «Соғ танда —соғлом ақл», «Бадан тарбия —соғлиқнинг гарови» деган, асрлар бўйи яшаб келаётган нақлларнинг моҳиятини кимлиги аниқ маълум бўлмаса-да, бу ҳикматларнинг мазмуни ҳамон ўз кучини сақлаб келаётгани бежиз эмас. Медицинанинг отаси ҳисобланган грек олими Гиппократ, инсон организмида касалликка қарши курашувчи беҳисоб механизмлар бор, агар улар бадан тарбия йўли билан кузатилса, тобланса, чиниқтирилса ҳар қандай хасталикни ҳам енгади, деган эди. Француз врачи Тиссо бундан 200 йил муқаддам бундай деб ёзган: «Жисмоний ҳаракатнинг фойдали таъсири ҳар қандай дорининг ўрнини босиши мумкин, аммо дунёдаги маълум ва мавжуд ҳамма дорилар жисмоний ҳаракатнинг ўрнини босолмайди».

Машҳур рус олимлари И. М. Сеченов, И. П. Павлов, агар систематик равишда бадан тарбия билан шуғулланилса, киши жисмоний томондан такомиллаши б г и н а қолмай, унинг руҳий активлиги ҳам узоқ йилларга ошади, деган эдилар.

Демак, организмни чиниқтириш учун аввало систематик жисмоний ҳаракат ва бадан тарбия билан шуғулланиш керак.

САВОЛ: —ЖИСМОНИЙ ВА АҚЛИЙ ТОЛИҚИШНИНГ АСОСИЙ САБАБЛАРИ НИМА?

— Биз юқори иқтисодий таъминот ва мукаммал маданий турмуш шароитида яшаяпмиз. Ҳаётимиз кун сайин фаровонлашяпти. Бу —яхши. Аммо бу ўринда бошқа бир нарсага ҳам эътибор бериш керак. Биз камҳаракат бўлиб қоляпмиз. Фан ва техниканинг мисли кўрилмаган ютуқлари натижасида кишиларда жисмоний ҳаракат борган сари қисқаряпти. Илгари мускуллар кучи билан бажариладиган юмушларни ҳозир машина, автомат, конвейерлар бажарялти.

Жисмоний меҳнатнинг камайиши, биринчидан, кишини семиртиришга олиб келса, иккинчидан ақлий юмушнинг кўпайиши, ташқи муҳитдан чиқувчи беҳисоб салбий эмоциялар, коллективда, оилада, кўча-кўйда қабул қилинадиган информациялар марказий асаб системасига, мияга ортиқча юк бўлиб тушади. Натижада одамнинг мияси чарчайди, зеҳни, диққат, хотира қобилияти пасаяди, асаб системасини нормал ишлаши бузилиб, неврозлик рўй беради. Семизлик ва невроз-лик юрак-қон томир ҳам руҳий касалликларга олиб келиши мумкин. Бунда кўпинча ўзимиз айбдормиз.

Жисмоний ва ақлий чиниқиш учун кишилар бўш вақтларини очиқ ҳавода ўтказишлари, бадан тарбия, спорт, шахмат, шашка ўйинлари билан ўтказишлари, маданий дам олишлари керак. Овқатланиш, меҳнат ва дам олиш тартиби маълум бир режада бўлиши керак. Бу-лардан ташқари, дам олиш кунидан, меҳнат отпускалари даврида ҳам йил бўйи бажариладиган асосий юмуш билан шуғулланиш кишини ҳам жисмоний, ҳам руҳий томондан эзади, чарчатади, умрни қисқартиради. Аксинча, саёҳатда ҳамда дам олиш уйларида бўлиш, санаториялларда даволаниш саломатликни мустаҳкамлайди.

САВОЛ: — ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ ОММАБОП УСУЛЛАРИ ҚАЙСИ?

— Жисмоний чиниқишларнинг энг самарали, оммабоп усулларидан бири эрталаб радио орқали бериладиган бадан тарбия машғулоти билан доимо шуғулланишдир. Бу машғулот ҳар бир кишининг доимий урф-одати, оқилона турмушнинг энг зарур таркиби бўлиб қолиши керак. Ақлий юмуш билан шуғулланувчи ходимлар меҳнат куни ўртасидаги овқатланиш, танаффуси вақтида очиқ ҳавода 10—15 минут юришлари, ҳаракатда бўлишлари зарур. Турли спорт ўйинлари билан шуғулланувчи кишилар, ёшларидан қатъий назар, ўз машғулотларини давом этказишлари жуда фойдалидир. Ҳамиша керакли миқдорда ҳаракатда бўлиш юрак ва қон томирларининг ишларини яхшилайди, мияда ва ички аъзоларида қон-модда алмашувини кучайтиради, натижада уларнинг функционал аҳволи ошади, чиниқади.

Жисмоний чиниқишнинг оммабоп шартларидан яна бири озодалик, шахсий гигиенага риоя қилиш, етарлича ухлаш, кераклича овқатланишдир. Қолаверса, папирос чекмаслик ҳамда спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик ҳам юқорида айтилмиш шартларга киради. Агар ана бу шартлар бажарилмаса, фақат жисмоний ҳаракат, бадан тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг ўзи жисмоний чиниқиш учун етарли самара бермайди.

САВОЛ: — ЕШИ ҚАЙТГАН КИШИЛАР ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚИШ Н И Н Г ҚАЙСИ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНСАЛАР БЎЛАДИ?

— Бунга юқоридаги саволнинг давоми дейиш мумкин. Ҳаётнинг асосий модда алмашувидир. Ёши қайтган кишиларда модда алмашуви пасаяди. Натижада уларнинг организми сўлади, атрофия бўлади. Маълум бўлишича, 70 ёшдан ошган кишиларнинг мускулларини ҳажми 40 процент камаяди, қувватсизланади. Шунинг учун қари кишилар қоматлари бузилиб, кичиклашиб қолади, уларнинг ички аъзолари ҳам шунга мувофиқ равишда қисқаради. Аммо бу ҳоллар етарлича жисмоний ҳаракатда бўлмаган шахсларда рўй беради. Ёшлигидан жисмоний меҳнат билан, спорт билан шуғулланиб келувчилар 60—70 ёшда ҳам ўзларини жисмоний ва руҳий томондан тетик, яхши сезадилар. Уларнинг иш қобилияти сақланади. Киши бадан тарбия, спорт ўйинлари билан шуғулланишни, отда, велосипедда юришни, сувда сузишни, ўз вақтида дам олишни, етарлича ухлаб кераклича овқатланишни тарк этмаслиги керак. Шунда организм чиниқади, умр узаяди.

САВОЛ: — ХОТИРАНИ ҚАНДАЙ ТОБЛАШ МУМКИН?

— Хотира миянинг қабул қилиш, сақлаш, ифодалаш қобилиятининг маҳсулоти, физиологик функциясидир.

Хотира киши фикрининг булоғи, ақлнинг ҳазинаси. У бизнинг ўтмиш ҳаётимизда, онгимизда юз бермиш воқеа-ҳодисаларни, билим, тажриба ва ҳунарларимизни сақловчи омбордир. Хотира табиатнинг инсонга тақдим этган беҳаҳо ҳадяси бўлиб, биз у орқали ўтмишимизни эслаймиз, илм-билимимизни, орттирган тажриба, ҳунаримизни авлодларимизга берамиз. Ўз хазинани эҳтиёт қилиш, тоблаш, мустаҳкамлаш керак. Хотиранинг пасайиши кишини руҳий азобга солиши табиий. Албатта, хотира ҳеч ўзгармовчи, абадий бир нарса эмас. У кишининг ташқи ва ички муҳитига, социал салмоғига қараб такомиллашади ёки пасаяди. Ёши қайтган кишиларда хотира албатта пасаяди, деган фикр нотўғри. Хотирани сақлаш ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ. Ёшликдан бошлаб хотирани тоблаш керак. Бунинг учун, яна такрор айтамиз, умумий гигиенага риоя қилиш, доимий равишда эрталабки бадан тарбия машғулоти билан шуғулланиш, очиқ ҳавода ҳар куни бир неча бор 20—30 минутдан юриш керак. Киши қайси бир юмушни бажармасин, у билан 2—3 соатдан ортиқ танаффуссиз шуғулланиши тавсия қилинмайди. Танаффус вақтида асосий ишга алоқаси йўқ машғулот (шахмат, шашка, спорт ўйини, бадан тарбия) билан шуғулланиш ҳордиқ чиқаради, зеҳнни чарҳлайди.

Хотирани тоблаш учун ўқиган, кўрган нарсаларни такрорлаш керак. «Такрорлаш— билимнинг онаси» деб бекорга айтмаганлар. Ўқиб чиқилган китобларни, кўрилган фильм, спектакль ёки музейдаги, виставкадаги расмларнинг мазмуни ҳақида оила аъзолари, таниш-лари билан фикр алмашиш хотирани бойитади, чуқурлаштиради.

Хотирани чиниқтириш учун ичкилик ичмаслик, папирос чекмаслик ва меъёрида овқатланиш зарур. Ичкилик ва папирос истеъмол қилиш кишини руҳий ва жисмоний томондан эзади, тез қаритади, хотирасини пасайтиради. Рационал овқатланиш — ҳар куни кераклигича оқсил моддаларини, ширинликни, ёғни, витамин ва микроэлементларни қабул қилиш демакдир. Фақат нон, чой ва шўрва билан овқатланиш етарли эмас. Бундай рацион организмни, мияни керакли моддалар билан таъминламайди. Дастурхонда маълум миқдорда гўшт, ёғ, сут, тухум, мева ва сабзавотлар бўлиши лозим.

Хотирани чиниқтириш учун дам олиш кунларидан, меҳнат отпускаларидан оқилона фойдаланиш керак. Дам олиш кунлари шаҳардан ташқаридаги боғларда, ўрмонли тоғларда, сув бўйларида бўлиш жуда фойдалидир. Меҳнат отпускаларини дам олиш уйларида, санаторийларда, саёҳат поездларида ва кемаларида ўтказиш соғлиқни сақлаш учун жуда керакли тадбирий чоралардандир.

Ҳар бир кишининг эсдалик дафтарчаси бўлиши ва унга бажарилиши керак бўлган асосий юмушларни ёзиб бориши, вақтбавақт текшириб туриш ҳам хотирани чиниқтиришга, шубҳасиз ёрдам беради.

Эсдалик дафтар хотиранинг ёрдамчисидир. Хуллас, саломатлигимизни сақлаш ҳам, ҳар томонлама чиниқиш ҳам кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ.



МОСКВА.
СУРАТДА: Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Космос» павильонида.

Ж. Раззоқов фотоси.

ҲАМДЎСТЛИК САМАРАСИ

ГДРда ясалган

Душанбедаги «Ширин» кондитер фабрикасида Германия Демократик Республикасидан келтирилган конфет ўровчи саккизта автомат ишга туширилди. Бу машиналар шу операциялардаги меҳнат унумдорлигини икки баравар оширишга ва карамель цехидан 10 кишини бошқа цехга ўтказишга имкон берди. Орадан бир неча ой ўтгач участкани қайта ускуналашга сарфланган харажатлар тамомила қопланади.

Ҳозир фабриканинг ярмидан ошиғи ГДР ва Польша Халқ Республикасида ясалган машина-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда ишлаб чиқаришни қайта ускуналаш беш йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқаришни 50 процентдан знёд кўпайтиришга имкон беради.

(ТАСС мухбири).
Душанбе.

Кўнчиларга

С. Шаумян номли Ереван ишлаб чиқариш бирлашмасида тери қуритиш операцияларида меҳнат унумдорлиги икки баравар кўпайди. Кўн заводининг пардоз цехида Чехословакиядаги «Свит» фирмаси юборган кучли агрегат ўрнатилди. Бу агрегат ҳар йили 50 миллион квадрат дециметр тери қуритишга мўлжалланган. Ундан хушбичим пойафзал, портфель, аёллар сумкаси ва бошқа буюмлар ясалади.

Чехословакия Социалистик Республикасидан олинган машиналар бирлашма корхоналарида кўп ишлатилмоқда. Улар жумладан, пардозлаш операцияларини механизациялаш ва автоматлаштиришга ёрдам берди, республика кекса корхонасининг техника тараққиётига кўмак бермоқда.

(ТАСС мухбири).
Ереван.

Консерва заводларида

Болнисси консерва заводида (Грузия ССР) Венгрия Халқ Республикасида ясалган ва помидорни қайта ишлайдиган поток линия барвақт монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Шу йил республиканинг бир қанча консерва корхоналарида қўшимча қувватлар ишга туширилди. Масалан, Гардабан консерва заводида бир кунда 200 тонна помидорни ишлаб ўтказувчи линия фойдаланишга топширилди. Бу линия Югославияда ясалган. Горидаги заводда тиниқ олма сувни чиқарадиган линия монтаж қилинмоқда. У Болгариядан келтирилди. Маяковский посёлкасида мева консерва цехи ўрнатилаётган маҳсулот берди.

Янги қувватларни ишга тушириш консерва ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон берди. Саккиз ой мобайнида Москва, Ленинград, Ульяновск, Кемерово ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига бултурги йилнинг шу вақтидагига нисбатан беш миллион банка кўп консерва юборилди.

(ТАСС мухбири).
Тбилиси.

Жаҳон ойнаси

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ РЕАКЦИОНЕРЛАРИ ПЕКИНГА ТАШАККУР АЙТМОҚДАЛАР

ВЕНА. (ТАСС). «Фольксштимме» газетасида эълон қилинган мақолада Хитой сиёсати ва пропагандасининг, хусусан «Пекин ревью» журналида Хитой журналистлари группасининг ГФРга қилган сафари тўғрисида яқинда босилган «ҳисоботнинг» советларга қарши руҳда эканлиги фош қилиб ташланган.

«Пекин ревью» журнали ГФРнинг халқаро мавқеини таърифлаб, унинг мавқеи Ғарбий Европадаги бошқа мамлакатларнинг мавқеидан фарқ қилади. Чунончи: «шарқдан Ғарбий Германияга СССР хавф солиб турибди», деб даъво қилади. Шу сабабли мувозанатни ва хавфсизликни сақлаш учун Германия Федератив Республикаси ўз территориясида жойлаштирилган Америка, Англия ва Франция қуролли кучларига таянишга мажбур эмиш».

Аммо бу гап НАТО корчалонларининг: Америка, Англия ва Франция қўшинлари ГФРдэ «хавфсизликни таъминлаш учун турибди». Совет Иттифоқи эса «хавф солмоқда» деган «фалсафаси»нинг лўнда ифодаси эмасми, ахир, деб ёзади «Фольксштимме» газетаси.

Хитой журналистлари ГФРдаги кўп кишилар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган ненгашни қўллаб-қувватлаётганликларини билиб, ташвишга тушиб қолдилар, деб ёзади газета. Бироқ Ғарбий Германияда «бошқа немислар ҳам бор», деб мамнуннят билан қайд қилади «Пекин ревью» журнали.

Хўш, ХХРдан келган журналистларнинг думғоғини чоқ қилган ана шу «бошқалар»нинг ўзи ким? Мюнхенда улар қандайдир бир профессор билан учрашибдилар, шу киммса: мен «кескинликни юмшатишини тан олмайман» деб хитойлик журналистларни ишонтирибди. Шунингдек, улар «ГФРда яхши маълум бўлган сиёсий арбоб»— Штраус билан учрашибдилар, деб давом қилади «Фольксштимме» газетаси, хитойлик журналистлар Штраус билан мириқиб суҳбат қуришибди. Шунда Ғарбий Германия реакционерларининг бошлиғи дилидаги гапларни айтиб, ичини бўшатиб олибди. «Ҳозирги вақтда катта хавф бор, бу хавф кескинликни юмшатиш, хавфсизлик ва тинчлик ғоялари зўр психологик таъсир ўтказаётганлигидан иборатдир», дебди у. Бу «нашфиётни» пекинлик журналистлар тўла-тўкис тушуниб маъқуллашибди.

Шунисн характерлики, деб таъкидлайди «Фольксштимме» газетаси, «Пекин ревью» журналининг немис тилидаги нашрида Хитой журналистларининг ГФРга қилган сафари тўғрисидаги мақола босилгани йўқ. Бунинг сабаби ҳам равшан: бу мақолани Ғарбий Германия журналхонлари кенг қўллаб-қувватлаши амри маҳол эди. Бунинг ўрнига «Пекин ревью» ўз журналхонларига НАТО раҳбар арбобларининг «Совет ҳарбий қудрати Атлантика иттифоқи учун доимий хавф солиб турибди», деган гапларини тақдим этган.

«Буни янглиш, деб бўлмайди. Ўзини ҳамон коммунистик деб атаётган партиянинг органи бу гапларни жўрттага эълон қилмоқда»,— деб таъкидлайди «Фольксштимме» газетаси. Янги нацистларнинг «Национ цайтунг» газетаси нашри Г. Фрей Чжоу Энь-Лайга очиқ хат ёзиб, антисоветизмдаги «доимий қатъияти учун унга ташаккур изҳор қилганлиги тасодиф эмас.

«Кескинликни юмшатиш душманлари қоронғида топишиб олдилар». Айни вақтда улар Совет Иттифоқининг ҳам душманларидир. Бири бодгаи, бири тоғдан келган бу улфатлар антисоветизм негизида бирлашдилар. Улар бир-бирларининг қучоғига қанчалик иштиёқ билан ташланаётган бўлсалар, бу нарса оқибат натижада уларнинг яккаланиб қолганлигини билдиради, холос»,— деб хулоса чиқаради «Фольксштимме» газетаси.

ВИСТАВКА ЁПИЛДИ

ВАРШАВА. Познань шаҳрида якшанба куни «Польша-73» Халқаро филателистик виставка ёпилди. Виставкада барча қитъалардаги 103 мамлакатдан келтирилган коллекциялар қўйилган эди. Халқаро жюри турли тематик группаларда тақдим қилинган энг яхши коллекцияларга мукофотлар, медаллар ва дипломлар берди. Виставка ишлаб турган чоғда поляк ва чет эл меҳмонларидан 300 мингдан кўпроқ киши уни кўздан кечирди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ТОКИО. Японияда ёши юздан ошган 518 киши яшамоқда. Япония соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлиги шу ҳақда хабар бериб, бундан 10 йил аввал мамлакатда ёши юздан ошган атиги 153 киши борлигини таъкидлади.

Ҳозирги вақтда япон эркаклар умрининг ўртача давомати 70 ёшга, аёлларники эса қариб 76 ёшга боради.

* * *

СОФИЯ. Социалистик Болгариянинг целлюлоза-қоғоз саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда. Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдамида замонавий техника билан жиҳозланган янги корхоналар қурилмоқда. Ёз бошларида Никополда кўп қатламли картон ишлаб чиқариш комбинати ишга туширилди.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий кенгашининг бу ерда ўтказилган мажлисида қарор қабул қилинди. Бу қарорда партия аъзолари, оммавий жамоат ташкилотлари, ишчилар, хизматчилар ва Ҳиндистоннинг бутун тараққийпарвар жамоатчилиги дон-дунни яшурувчиларга қарши кураш кампаниясини кучайтиришга чақирилган.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. Корея Халқ Демократик Республикасининг БМТдаги доимий ҳузуватувчиси аппарати ходимларининг биринчи группаси бу ерга келди. Аэропортда делегация СССР, социалистик ва бошқа дўст мамлакатларнинг БМТ ҳузуридаги ваколатхоналари ходимлари кутиб олишди.

Группа бошлиғи Корея Халқ Демократик Республикасининг БМТ ҳузуридаги доимий кузатувчисининг ўринбосари Ан Юн Гум матбуот учун берган баёнотида: БМТ ҳузуридаги КХДР доимий кузатувчисининг вазифаси — Кореяда, Осиё ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшиш учун актив ҳаракат қилишдан иборат бўлади, деб таъкидлади.

ЮКСАК БАҲО

ПРАГА. (ТАСС). Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Г. Гусак ЧКП Марказий Комитети ҳузуридаги олий сиёсий мактаб коллективига Зафарли Февраль ордени топширди. Бу мактаб ташкил этилган кунинг 20 йиллиги туфайли шу орден билан мукофотланди.

Г. Гусак орден топширишга бағишланган тантаналарда нутқ сўзлаб, ЧКП Марказий Комитети ҳузуридаги олий сиёсий мактабнинг хусусан кейинги даврдаги фаолиятига юксак баҳо берди. Бу мактаб ана шу даврда партия ходимларининг тўғри йўлдан боришини таъминлашга, марксизм - ленинизм принциплари асосида партия бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Инсон, деди Г. Гусак, социализм қурилишида ҳал қилувчи омил бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади. Сиёсий партиявий ходимларни тайёрлаш—партия сиёсатини амалга оширишда энг асосий масалаларнинг биридир. Бинобарин биз бу ишга юксак баҳо берамиз. Бу ишни қўллаб-қувватлаймиз ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверамиз, деди у.

Ҳозирги замон социалистик жамияти, деди Г. Гусак, кишилар билан олиб бориладиган сиёсий-тарб и я в и й, идеология ишида доим янгилик яратишни талаб этади. Бу жамият, деб таъкидлади Г. Гусак, маданият соҳасида ва бошқа ҳамма соҳаларда конкрет вазифаларни ҳал этган пайтда марксча-ленинча умумий принципларни ижодий тарзда қўлланишни талаб этади. Бундан мақсад — партиянинг жамиятдаги чиналкам раҳбар куч бўлишини таъминлашдан, масалаларни тўғри тушуниб, тўғри ҳал этишдан, миллионларча меҳнаткашлар оммасининг ўзига нисбатан ишончини доим сақлаш, мустаҳкамлаш ва ошира боришдан иборат.

Биз, деб уқтириб ўтди Г. Гусак, қардош партиялар раҳбарларининг яқинда Қримда ўтказилган учрашувида ҳам шу масалалар ҳақида гапирдик. Ҳар бир социалистик давлат тараққиётнинг муайян босқичини босиб ўтди ва тажрибатўплади. Биз тажрибаларни ўзаро баҳам кўришимиз, уларни ўрганишимиз ва қўлланишимиз керак ва бу билан социалистик қурилиш ишини доим олга бостиришимиз лозим.

Катта муваффақият билан

ОТТАВА. ТАСС мухбири И. Миронов хабар беради:

Совет Армиясининг А. В. Александров номидаги қўш Қизил Байроқ орденли ашула ва раҳс ансамблининг концерти катта муваффақият билан ўтди.

Икки ярим минг киши сиғадиган Оттава санъат марказий залиқ тўлди. Томошабинлар ансамбли ранг-баранг программасининг ҳар бир номерини олқишлар билан кутиб олди. Унинг программасида рус, украин, Америка, Канада қўшиқлари, шунингдек, хореографик саҳналар бор.

Ансамблнинг раҳбари СССР халқ артисти Б. А. Александров ТАСС мухбири билан суҳбатда шундай деди: совет артистларини ансамбль гастролда бўлган Канаданинг ҳамма шаҳарларида, яъни Торонтода, Виннипегда, Ванкуверда гоят саммий кутиб олишди.

Совет Армиясининг ашула ва раҳс ансамбли Оттавадан кейин Монреаль, Лондон ва Квебекда гастролда бўлади.

КАСАБА СОЮЗ МАРКАЗИНИНГ ЧАҚИРИҒИ

САНТЬЯГО. (ТАСС). Чили меҳнаткашлари Бирлашган касаба союз маркази Сальвадор Альенде ҳукумати қонимиятнинг тепасига келганига бугун уч йил тўлиши муносабати билан мамлакат меҳнаткашларини оммавий намойишларда актив қатнашишга чақирди.

Чили меҳнаткашлари Бирлашган касаба союз маркази миллий раҳбарлигининг бу е р д а эълон қилинган чақириғида ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларни сафарбар этишга ҳозирги пайтда қатта аҳамият берилаётганлиги қайд этилади. «Бугунги кунда барча меҳнаткашларнинг бирлиги, фашистларнинг ҳар қандай кирдикорларни даф этишга тайёрлиги, халқ ҳукумати ва Чили революцион процессини ҳимоя қилиш учун курашга маҳкам бел боғлаши ҳар қачонгидан ҳам зарур»,— дейилади ушбу ҳужжатда.

Бу чақириқни Халқ бирлигининг кўпгина сиёсий ва жамоат арбоблари, ҳукумат коалицияси партиясидан парламент аъзолари қўллаб-қувватладилар.

„ЮМАНИТЕ" БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

ПАРИЖ. (Т А С С). «Юманите» газетасининг анъанавий байрамига тайёргарлик тугалланмоқда. Бу байрам 8—9 сентябрь кунлари Париж чеккасидаги Курнев боғида ўтказилади. Бу ерда павильонлар қурилади. Қарийб 400 та стенд ўрнатилади, асосий саҳна монтаж қилинади.

Франция Компартиясн Сиёсий бюросининг аъзоларн Э. Фажон ва А. Вьеге, шунингдек «Юманите» газетасининг бош редактори Р. Андрие Курнев боғини бориб кўрдилар. Улар қурувчиларнинг бўлажак байрам муваффақиятли ўтишига қўшаётган ҳиссаси катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, уларга ташаккур билдирдилар.

ХАЛҚ НОРОЗИЛИГИ КУЧАЙМОҚДА

САН-ХОСЕ. (ТАСС) Гватемалада меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун кураши кенгайиб бормоқда. Мамлакат пойтахтида ва бошқа бир қанча шаҳарларда аҳоли иқтисодий аҳволининг мушкуллашганига қарши норозилик намойишлари ва митинглари ўтказилмоқда.

Норозилик тўлқини тирикчиликнинг гоят қиммматлашганлиги ва солиқ машаққатларидан тоқатти-тоқ бўлган аҳолининг ҳамма табақалари орасида ёйилди. Шу йилнинг бир ўзидагина меҳнаткашларнинг харид қуввати 30 процент пасайиб кетди.

Президент Арана ҳукумати халқнинг ҳақ-ноний талабларига жавобан полиция терроринн кучайтирмоқда ва кўп кишини қамоққа олмоқда.

Масалан, шу йилнинг май ойида маъмурлар Гватемаланинг тоғлиқ районларидан биридаги куролсиз деҳқонларга қарши бир мингга яқин солдатни юборди-лар. Бунинг натижасида деҳқонлардан 17 киши ўлдирилди ,неча юзлаб киши жароҳатланди.

Аммо, репрессия ва таъқибларга қарамай, аҳолининг ҳамма табақалари орасида ўз ҳуқуқлари учун курашувчиларнинг сафлари кенгайиб бормоқда.

Ёшларнинг дўстона учрашуви

БУДАПЕШТ. (ТАСС). Бу ерда социалистик мамлакатлар пойтахтларн ёшларнинг учинчи дўстона учрашуви бошланди. Учрашув «Биз-социализм ва коммунизм қурмоқдамиз» шиори остида ўтяпти. Биринчи учрашув 1971 йил Москвада, иккинчиси эса 1972 йил Софияда ўтказилганди.

Учрашув қатнашчилари ёшларнинг пойтахт ҳаётидаги ва халқаро социалистик меҳнат тақсимотидаги роли ҳақида, ёш авлодни маф-куравий жиҳатдан тарбиялашда революцион анъаналарнинг роли ҳақида батафсил гаплашмоқдалар.

Дўстона учрашувнинг маданий программасн ҳам қизиқарлидир. Анъана бўйича «касб нинг энг моҳир устасн» унвони учун конкурслар ўтказилади. Бугал унда ёш пайвандчилар, сартарошлар, шоферлар ва саҳна рассомлари қатнашади.

Дўстона учрашув еттинчи давом этади.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. ХАНОЙ. Болалар боғчаси тарбилланувчилари сайр пайтида.

В. Понин фотоси.

АПН.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

„ЗАНГОРИ ЭКРАНДА"

Тошкент телевидение студиясининг бир ҳафталик программаси

10 СЕНТЯБРЬ — ДУШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тоғлар, денгизлар оша». Болалар учун қўғирчоқ фильм. **Рус тилида:** 18.35 Совет Армияси жангчилари учун. «Ветераннар қалби қаримайди». 19.00 У Бутунитти-фоқ телевизион фильмлар фестивалининг тантанали очилиши. Офицерлар округ уйидан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида «Ахборот» информацион программаси (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Рангли телевидение. Хоккей бўйича СССР чемпионати. **«Крылья Советов»** (Москва) — **«Спартак»** (Москва). В. И. Ленин номли Марказий спорт саройидан олиб кўрсатилади. 00.45 Кўрсатувлар программаси. 00.50 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Янгиликлар. 18.00 Ўқувчилар учун. «Изловчилар». 18.30 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 19.00 «Крим тонги». Бутунитти-фоқ музикали фестиваль қатнашчиларининг концерти. 19.35 Свердловск области — Ватанга рапорт беради. 20.20 Концерт. 20.50 Рангли телевидение. «Инженер Прончатов». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 1-серияси. **Тошкент кўрсатади. Рус тилида:** 22.00 «1973 йилнинг шашка конкурси». 22.20 «Тараққиёт» программаси. 22.40 «Туғишгандан афзал». Бадиий фильм (ўзбек тилида).

Учинчи программа. 18.00 дан Душанба кўрсатади.

11 СЕНТЯБРЬ — СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.30 Кўрсатувлар программаси. 12.35 Янгиликлар. 12.45 Ўқувчилар учун. «Изловчилар». 13.15 Қўча ҳаракатининг янги қоидалари. 13.45 Рангли телевидение. «Ҳайвонот оламида». 14.50 Ҳужжатли фильм. 15.10 Санъат усталари концерти. 16.20 «Сизнинг боғингиз». 16.50 Спорт ҳақида суҳбат. 17.20 «Ихтиролар оламида». 17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 Янгиликлар. 18.05 Рангли телевидение. «Объективда—Япония». **Тошкент кўрсатади.** 18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун қўғирчоқ фильм. **Узбек тилида:** 18.50 Ўқувчилар учун. «Глобус» программаси. 19.20 Совет тинчлик программаси — амалда. **Рус тилида:** 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.50 Фестиваль қатнашчилари билан учрашув. **Узбек тилида:** 20.30 Ўн минут музика. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. «Чорвачилик факультети». 23.00 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Шукур Бурхонов.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.35 Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 19.00 Рангли телевидение. Хоккей бўйича СССР чемпионати. **«Крылья Советов»** (Москва) — **«Спартак»** (Москва). Учинчи бўлим. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 19.40 Нисон ва қонун. 20.10 «Сиз театрни севасизми?». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.50 Рангли телевидение. «Инженер Прончатов». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 2-серияси. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ўзбекистон комсомоли» (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 «А. Твардовский поэзияси». 23.05 Ф. Шопеннинг фортепьяно ва оркестр учун ёзган биринчи концерти. 23.45 Кўрсатувлар программаси. 23.50 Москва кўрсатувларининг охири.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади.

12 СЕНТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.30 Кўрсатувлар программаси. 12.35 Янгиликлар. 12.45 «Совет характери». Минскдан олиб кўрсатилади. 13.15 Рангли телевидение. «Инженер Прончатов». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 3-сериясининг программаси. 15.35 Зоология бўйича ўқув кўрсатуви. 16.00 «Каунасда рақс байрами». Концерт. 16.40 А. С. Пушкин. «Капитан қизи». Адабиёт бўйича ўқув кўрсатуви. **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Болалар учун кинофильм. 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мардлик-мангулик» (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.40 «Ахборот» информацион программаси. 19.55 «Чех грампластинкалар декадаси». 20.10 «Ахборот» информацион программаси (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 20.30 «Социализм дунёси». **Тошкент кўрсатади.** 21.00 «Совет Ўзбекистони композиторлари». Иброҳим Акбаров (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 Пахта терими кундалиги. 22.45 «СССР халқлари адабиёти». Николай Тихоновнинг адабий портрети.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.10 Кўрсатувлар программаси. 17.15 Янгиликлар. 17.25 Ўқувчилар учун. «Қувноқ стартлар». 18.10 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 18.40 Рангли телевидение. Балет артистларининг концерти. 19.40 «Цирк байрами». Телевизион фильм. **Тошкент кўрсатади.** 20.30 «Усть-Илим учрашувлари». Ҳужжатли фильм (ўзбек тилида). 20.50 Реклама ва эълонлар. **Москва кўрсатади.** 21.00 Рангли телевидение. Телевизион миниатюралар театри. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Жанговар постда» (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Ўтмиш киноленталари». «Аэлита». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади.

15 СЕНТЯБРЬ — ШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.10 «Ҳафли ҳайвон». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 10.20 «Экран хандаси» (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси. 11.05 Янгиликлар. 11.10 Рангли телевидение. Мультипликацион фильмлар программаси. 11.40 Ёзувчи Г. Марков ижодидан саҳифалар. 12.30 Рангли телевидение. Концерт. 13.15 Эфирда — «Молодость». 14.10 Фан ва маданиятимизнинг муҳим масалалари. 14.40 Камер куйлардан концерт. 15.10 «Орлёнок» телестудиясининг ёш мухбирлари академик Н. П. Дубинин билан учрашуви. 16.10 Рангли телевидение. «Қўғирчоқ магазинида». 16.40 «Здоровье» программаси. 17.10 Музикали учрашувлар. **Тошкент кўрсатади.** 17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 Болалар учун кинофильм. 17.55 «Езёвон пионерлари». Концерт (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 18.25 Фестиваль қатнашчилари билан учрашув. 19.05 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида: 19.20** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ҳунар-ҳунардан унар». 19.50 Ўн минут музика. 20.00 «Ахборот» информацион программаси. 20.20 «Наҳм ва наво». **Москва кўрсатади.** 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Москва). Киевдан олиб кўрсатилади. 24.00 Кўрсатувлар программаси. 00.05 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.35 Кўргазма залидан репортаж. 18.00 Концерт. 18.40 М. Горький «Сўнггилар». Максим Горький номли Совет Иттифоқи Москва бадиий Академик театрининг фильм-спектакли. **Тошкент кўрсатади.** 21.30 «Ватангадолар». Бадиий фильмнинг 1-2-серияларги (ўзбек тилида).

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади.

16 СЕНТЯБРЬ — ЯКШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.25 Кўрсатувлар программаси. 9.30 Янгиликлар. **Узбек тилида:** 9.40 Ўқувчилар учун «Мактабимиз — фахримиз». 10.10 Ёзувчилар — болаларга. **Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси 11.05 Янгиликлар. 11.10 Ўқувчилар учун. «Будильник». 11.40 «Совет Иттифоқи ҳизмат қиламан». 12.40 Бугун — Ўрмон ходимлари куни. СССР Министрлар Совети Ўрмон хўжалик Давлат комитетининг раиси Г. И. Воровьев чиқиши. 12.55 «Музикали киоск». 13.25 Қишлоқ янгиликлари. 14.25 Рангли телевидение. «Киносаёҳатчилар клуби». 15.25 Ўрмон хўжалик ходимларининг талабларига мувофиқ концерт. 16.10 «Рассом билан учрашув». СССР халқ рассоми Д. Шмаринов. **Тошкент кўрсатади.** 16.40 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 16.50 «Кичкинтой» программаси. 17.20 Фестиваль қатнашчилари билан учрашув. 18.00 «Ахборот» информацион программаси. 18.15 Бугун — Ўрмон ходимлари куни (ўзбек тилида. **Москва кўрсатади.** 18.30 Рангли телевидение. Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (Москва) — «Химик» (Воскресенск). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг спорт залидан олиб кўрсатилади. 19.15 Рангли телевидение. Мультипликацион фильм. 19.30 Халқаро панорама. 20.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Арарат» (Ереван) — «Спартак» (Москва). Ереванидан олиб кўрсатилади. 21.45 Ҳужжатли фильм. 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 «Ахборот» информацион программаси. 22.50 «Экран хандаси» (Такрорий кўрсатув).

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув программа. 10.00 Ўқитувчилар учун консультация. «Натурал сонлар ва улар устида бажариладиган амаллар» (ўзбек тилида). 10.30 «Қувноқ поездлар». Болалар учун телевизион фильм (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 16.40 Ҳужжатли фильм. 16.50 Адабий асарларни экранлаштириш. «Яккама-якка». Бадиий фильм. Тошкент кўрсатади. 18.30 Болалар учун мультфильм. 18.40 Ўрмон ходимлари учун концерт (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.10 «Тирик мурда». Бадиий фильмнинг 1-2-серияларги. 22.00 Киноэкран янгиликлари. Реклама. **Москва кўрсатади.** 22.30 Кинокўрсатув. 23.30 Рангли телевидение. «Вальс оқшоми». 24.00 Кўрсатувлар программаси. 00.05 Москва кўрсатувларининг охири.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7 IX да **Абу Райхон Беруний**, 8 IX да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7 IX да **Паранжи сирлари**, 8 IX да **Жумагул.**

Кино

7 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Решма ва Шера; Шахсий уйингиз — САНЪАТ САРОЙИ (18.30 20.45).

Бошсиз чавандоз — «ВОСТОК» (жуфт соатларда, кечқурун), «ЧАЙКА» (19.00), «МОСКВА» (18.00, 20.00, 21.45).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — «КУКЧА» (20.30). НАВОИЙ номли (20.30).

Тасодифий адрес — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кечқурун), «СПУТНИК» (19.00, 21.00).

Бўғиздаги тош (19.30). **Ҳур қизлар** (21.00) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Қора синглим учун оқ гуллар— «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кечқурун).

Сенинг ҳам бошингга тушса — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кечқурун).

Қонун қонунлигича — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (21.45).

Тақиқланган муҳаббат —ҲАМЗА номли (19.00, 21.00).

Миссе фирмасининг сири — «СПУТНИК» (22.00).

Комедиантлар — «ЧАЙКА» (20.45).

ЕЗГИ БИНОДА

Тасодифий адрес — «ФЕСТИВАЛЬ».

Михай ботир — «ХИВА».

8 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Решма ва Шера; Шахсий уйингиз — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 13.30, 16.00, 18.00, 20.45).

Бошсиз чавандоз — «ВОСТОК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (12.00, 17.00, 19.00), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.00).

Михай ботир (2 серия) —«СПУТНИК» (12.00, 13.00, 16.00, 17.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — «КУКЧА» (11.00, 14.00, 17.20, 20.30). НАВОИЙ номли (10.40, 14.00, 17.00, 20.20).

Тасодифий адрес — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (11.00, 15.00, 19.00, 21.00).

Бўғиздаги тош (10.30, 15.00, 19.30). **Ҳур қизлар** (12.00, 16.30, 21.00) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Қора синглим учун оқ гуллар— «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Моррисвиль қалъасидаги шарпа — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Комедиантлар — «ЧАЙКА» (14.00, 20.45).

Миссе фермасининг сири — «СПУТНИК» (20.00, 22.00).

Тақиқланган муҳаббат — ҲАМЗА номли (11.00, 13.00, 15.00, 19.00, 21.00).

Қонун қонунлигича — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (21.45).

ЕЗГИ БИНОДА

Тасодифий адрес — «ФЕСТИВАЛЬ».

Михай ботир — «ХИВА».

«Главташкентстрой»нинг «Строймеханизация» трестига қарашли 8-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда башняли кран машинистларини тайёрлайдиган КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Камида саккиз йиллик маълумотга эга бўлган 18 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Ўқиш муддати — 4 ой. Стипендия — 75 сўм. Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 19-уй, Ўқув комбинати.

ДИҚҚАТ

„ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ"

Тошкент шаҳар гражданларига

биринчи навбатда, Чилонзор ва Домбробод массивларида яшовчи аҳолига

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,

Чилонзор ва Волгоград кўчаларининг муюлишида ихтисослаштирилган 50-магазини ОЧИЛДИ

Магазинда мамлакатимизда ва чет мамлакатларда ишлаб чиқарилган, тикилган буюмлар ва газламаларнинг бой ассортименти

МАВЖУД

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»

Реклама ва ЭЪЛОНЛАР

Гражданлар диққатига!

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли **В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ** индпошив фабрикаси табиий ва сунъий мўйнадан турли буюмлар тикишни ўзлаштирди.

Буюртмаларни ихтисослаштирилган ателье қабул қилади. Ателье сунъий мўйна, қоракўл ва қуённинг бўялган мўйнаси

МАВЖУД

Ателье адреси: Б. Хмельницкий кўчаси, 2-уй; Паркент бозори территориясида жойлашган ателье.

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ

ТЕЛЕВИЗОР

7 СЕНТЯБРЬ

ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 18.00 Рангли телевидение. Болгария телевидениесининг программаси. **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Болалар учун мультфильм. **Узбек тилида:** 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». 19.25 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 19.40 «Ёзувчи ва замон». 20.10 «Ўзбекистон» телевизион киножурналининг 16-сони. 20.20 Ўн минут музика. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ота-оналар университети. 21.20 «Ўзбекистон чорвадори» программаси. 21.50 «Томошабинларга балет ҳақида». 23.00 V Бутунитти-фоқ телевизион фильмлар фестивали олдидан. Рангли телевидение. «Ҳур республикалар бузилмас иттифоқи», «Совет Молдавияси». Телевизион ҳужжатли фильм. **Москва кўрсатади.** 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 Кўрсатувлар программаси. 00.35 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.55 Камер куйларидан концерт. 19.25 Рангли телевидение. Сув полоси ва сувга сакраш, сузиш бўйича жаҳон чемпионати. Белграддан олиб кўрсатилади. 19.55 «Ўтмиш киноленталари». 21.10 Болгария телевидениесининг программаси.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

8 СЕНТЯБРЬ

ШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Болалар учун мультфильм. 10.20 Телевизион миниатюралар театри (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси. 11.05 Янгиликлар. 11.10 Рангли телевидение. Болалар учун, «Бор эканда, йўқ экан». 11.40 «Изланиш». Кўрсатувни ёзувчи С. Смирнов олиб боради. 12.30 Тихон Хренников асарларидан концерт. 13.00 Рангли телевидение. Болалар учун мультипликацион фильм лар программаси. 13.30 «Совет тинчлик программаси — амалда». 14.00 Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 14.45 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 15.15 Спорт программаси. От спорти бўйича Европа чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади. Сув полоси ва сувга сакраш, сузиш бўйича жаҳон чемпионати. Белграддан олиб кўрсатилади (рангли тасвирда). 16.15 «Шоир Расул Гамзатов ижодидан саҳифалар». **Тошкент кўрсатади.** 16.55 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида** 17.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари». 17.35 Бугун — Халқаро журналистлар бирдамлик куни. 17.50 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 18.05 «Совет кино усталари». Болот Бейшеналиев. 19.20 «Ахборот» информацион программаси. 19.40 «Мусиқа жавони». **Москва кўрсатади.** 21.00 Рангли телевидение. Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (Москва) — «Торпедо» (Москва). 22.45 «Вақт» информацион программаси. 23.15 Рангли телевидение. Музикали учрашувлар. 23.45 Ҳужжатли фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув программаси 11.30 Ота-оналар учун консультация. 6—7 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш (ўзбек тилида.) **Рус тилида:** 12.00 Телевизион фильм. 12.25 Ота-оналар учун консультация. 6—7 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш 13.00 «Давр, олга бос». Бадиий фильм. 1-серия (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 16.55 «Ҳайвонот оламида». 18.00 Фан ва маданиятимизнинг муҳим масалалари. 18.30 Ҳужжатли фильм. 18.50 Халқ рақс байрами. Таллиндан олиб кўрсатилади. 19.35 «Сизнинг адресингиз». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 21.00 «Замондас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида). **Узбек тилида:** 21.50 Цирк программаси. 22.30 «Баландлик». Бадиий фильм.

Учинчи программа. 18.00 дан Душанба кўрсатади.

РАДИО

7 СЕНТЯБРЬ—ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида (ўзбекча). 19.20 Чолғу куйлари. 20.00 Москва. «Юность» радиостанциясининг программаси. 21.40 Москва. 22.18 «Қардош социалистик мамлакатларда». 22.30 Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси. «Ўзбек саҳнасида Шарқ мавзуи». Ф. Жўраев суҳбати (ўзбекча). 00.10 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Москва. 19.00 Ёш ижрочилар концерти. 19.30 Тошкент области меҳнаткашлари учун эшиттириш. «Ветераннар ҳикоя қиладилар». 20.00 А. Лаҳутий ва М. Турсунзода шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 20.30 Ўзбек давлат филармонияси халқ чолғу оркестри концерти. 21.00 Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси. Ф. Эрдинч. «Коммунист». Инсценировка қилинган ҳикоя (ўзбекча). 21.40 Енгил чолғу куйлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КУЧАСИ, 15-УЙ,

ИНДЕКС 64579. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р.—03659. Нашр. В—2273.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, Эълонлар бўлими—33-81-42.